

1928 йил 11 декабрда асос солинган

**«Тошкент ҳақиқати»
мухбирлари хабарлари
асосида тайёрланди.**

Ўзро ҳамкорлик кенг қўламли ва самарали бўлиб, ҳукуматлараро ва идораларо алоқалар олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омили бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доира-

□ Мерос

Оққўргон туманидаги марказий маданият уйига Жанубий Кореядан таклифнома келди. Унда мазкур муассаса қошидаги "Тўрғай" фольклор-этно

нографик ансамблининг Кёнжу шаҳрида ўтказиладиган халқаро маданият ва санъат фестивалида иштирок этиши сўралганди...

ДУНЁ КЕЗАЁТГАН ЖОЗИБА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ ижодиёти дурдоналари – асрий аънава ва урф-одатлар, оғзаки ижод, томоша санъати каби асл қадриятларимиз эъзоз ва эътибор топди. Уларни янада сайқаллаш, келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш борасидаги илмий-методик фаолият кўлама бекиёс даражада кенгайди. Номоддий маданият мероси асраб-авайлашнинг қонуний асослари мустақамлангани, фольклор-этнографик ансамбллар, халқ бадий ҳаваскорлик жамоалари фаолияти учун соғлом ижодий муҳит, муносиб шарт-шароит яратиб берилаётгани, улар ижоди муттасил рағбатлантирилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Ана шу эътибор туфайли миллий фольклор санъатимиз нафақат ўзимизда, балки хорижий саҳналарда ҳам дадил намойиш этилиб, минг-минглаб санъат ихлосмандлари олқишига сазовор бўлмоқда.

"Тўрғай" фольклор-этнографик ансамбли ҳам худди ана шу ҳаётбахш эътибордан руҳланиб ижод қилаётган жамоалар сирасидандир. Халқимизнинг азалий қадриятлари, бебаҳо удумларини ўзига қайтиб берган Истиқлолнинг илк йилларида шакллана бошлаган ансамбл бугун нафақат вилоятимизда,

балки мамлакатимизда ҳам кўзга кўринган халқ бадий жамоалари қаторидан жой олди. Айтиш пайтда "Тўрғай" сафиди 30 дан ортиқ санъатсеварлар фаолият юритмоқда. Уларнинг бир гуруҳи ёшлар – мактаб ва коллеж ўқувчилари бўлганлиги боис жамоада изланувчанлик, янгиликка интилиш аққол кўзга ташланади. Ўтган йиллар ичида бадий даста қатор танлов ва фестивалларда иштирок этиб, совриндор бўлишга улгурганининг боиси ҳам шунда бўлса керак. Айтиш жоизки, мамлакатимизда аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Бойсун баҳори", "Барҳаёт аънавлар" каби кўрик-танловлар "Тўрғай"чилар учун ижодий парвоз майдони бўлаётди.

Жамоа бундан бир неча йил муқаддам мамлакатимиз фольклор дасталарининг "Улан айтгани келди" деб номланган аънавий кўрик-танловда мутлақ ғолиб деб топилди, олий соврин эгаси бўлди. Бу уларга Пекин шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда иштирок этиш имконини берди. Ўшанда жаҳоннинг 47 давлатидан келган юздан зиёд жамоалар орасида жамоа тайёрлаган композиция "Энг яхши миллий ва қадимий удум" номинациясини қўлга киритди.

Шу тариқа "Тўрғай" репертуари хилма-хил томошаю, ранг-баранг

мусликий-бадий дастурлар билан бойиб борди. Эътиборлиси, уларнинг барини бирлаштириб турадиган ягона жиҳат – миллий урф-одат ва аънавларимиз тарғиботи, халқимизга хос боқий фазилатлар тараннумидир. Мана шулардан бири – "Бўта солай удуми".

Жамоа ижодий излашлари маҳсули бўлган мазур композиция орқали томошабинга етказилмоқчи бўлган асосий гап шу: мардлик, жасурлик, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат каби эзгу инсоний фазилатлар ҳеч қачон, ҳеч бир замонда ўз қадр-қиммати йўқотмайди. Зеро, буларнинг бари бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. "Тўрғай" репертуаридан ўрин олган "Йил боши", "Тўй қайтарар", "Қўз қувди", "Кичкина бола қандай бола?", "Бўзтўрғай", "Йигит-қизлар айтишуви" каби бадий-мусликий дастурлар ҳам ўз моҳияти эътибори билан ана шу боқий тушунчаларни ифодалайди.

Дарвоқе, "Тўрғай" аъзолари биз юқорида гап бошлаган хориж сафаридан ҳам муваффақият билан қайтишди. Кёнжуда бўлиб ўтган маданият ва санъат фестивалида 21 давлатдан келган фольклор ансамбллар орасида жамоа "Энг жозибали намойиш учун" номинациясига муносиб кўрилди.

Алишер РАҲМАТОВ.

Илгари мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар саноқли бўлиб, улар мавсумда деҳқон машаққат билан етиштирган маҳсулотнинг ҳаммасини қабул қила олмади. Оқибатда мева, узум ва сабзавотларнинг анча қисми истеъмолга яроқсиз ҳолга келиб, нест-нобуд бўларди. Бундан ҳўжалик ҳам, деҳқон ҳам зарар кўрарди.

□ Пишиқчилик

Истиқлол шарофати билан деҳқону боғбоннинг моддий манфаат кўриши учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Кечаги деҳқон бугунги –

фермер, ернинг ҳақиқий эгаси. У ўз маҳсулотини шартнома асосида истеъмолчи ва қайта ишлаш корхоналарига, ҳатто хорижга экспорт қилиши,



□ Агар огоҳ сен...

Халқимиз мустақилликда ўтказган йиллар беш йил тарихан қисқатгина фурсат. Аммо, уни инсон умрига муқояса

ҚАЙТА ИШЛАНГАН — ҲАЗИНА

истаган бозорида сотиши мумкин. Яратилаётган шароитлар фермерларга қайта ишлаш корхоналарини очиб, даромадни кўпайтириш имконини беради.

Бугунги кунда ҳар бир туман ва шаҳарда кўплаб қайта ишлаш корхоналари қурилиб, фермернинг оғирини енгил қилмоқда. Янги йил туманида 2014 йилда фойдаланишга топширилган мева-сабзавотни қайта ишлаш корхонаси бунга мисол бўла олади.

Юртимизда етиштириладиган ширин-шакар мева-чева-ларнинг довриги оламга таралган. Равшан Қайюмов шу ҳақда ўйларкан, дилида мева-сабзавотни қайта ишлаш корхонасини қуриш истаги туғилди. Четдан технологиялар кел-

тирди, 5 гектар майдонда маҳсулотни тозалаш, қайта ишлаш, қадоқлаш биноларини қурди. Олма ва ўрикдан жем тайёрлашни йўлга қўйди. Кейин маҳсулотлар тури кўпая бориб, бугун икра, маринадланган сабзавотлар, шарбат, томат, жем каби 30 хил маҳсулот "Экомир" бренди остида ишлаб чиқарилиб, ички бозорларга жўнатишмоқда. Энг муҳими, корхона ишга тушгач, тумanning 80 нафар аҳолиси иш билан таъминланди.

Маҳсулотларимизга талаб тобора кўпаймоқда, – дейди корхона раҳбари Р. Қайюмов. – Шунинг учун ҳам иш кўламини кенгайтираёلمиз. Дала ва боғ неъматларини туманимиз ва республикамизнинг бошқа ҳудудлари фермерларидан шартнома бўйича олиб келаямиз.

Корхона маҳсулотини экспорт ҳам қилади. 2015

йилда Қозғистонга 50 тонна ярим тайёр маҳсулот жўнатилди. Жорий йил учун ҳам шартномалар тузилган. Бу йил пойтахтимизда ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасидаги иштироки корхонага экспорт кўламини янада кенгайтириш имконини берди. У Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри билан шартнома тузди.

Фермернинг ҳақиқий мададкорига айланган корхонада бугун иш ҳар қачонгидан қизиб. Кетма-кет келтирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотлари пешма-пеш қайта ишланиб, қадоқланиб, сотувга тайёрланмоқда. Ҳадемай, улар аҳоли дастурхонига тортиқ этилади.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

□ Фахр

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

Бўстонлик туманида халқаро Амир Темури хайрия жамоат фонди виллоят муассасаси ташаббуси билан ўтказилган "Амир Темури – буюк саркарда, бетакрор ақл-заковат, жасорат соҳиби" лойиҳаси асосида "Истиқлол – менинг тақдиримда" мавзусидаги давра суҳбати ёшларда Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат, истиқлолга садоқат туйғуларининг шаклланишида муҳим омил бўлди.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди, халқ таълими бўлими ходимлари, тарихчи олимлар қатнашди.

– Ҳар қандай миллатнинг раънақи, умумбашариёт тарихида тутган ўрни, макеви ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқ, – дейди халқаро Амир Темури хайрия жамоат фонди виллоят муассасаси раҳбари Муҳаббат Шоюсупова. – Бугунги суҳбатимизда Бўстонлик туманидаги "Баркамол авлод" марказининг иқтидорли ёшлари иштирок этмоқда. Улар орасида Президент асарлари билимдонлари, турли спорт мусобақалари ғолиблари, шунингдек, ёш тадбиркорлар ҳам бор.

– Мен гўзал Чимён қишлоғида туғилганман, – дейди 38-мактаб ўқувчиси Динора Жубаева. – Спортнинг тоғ чанғиси, "сноубординг" турига қизиқаман. Бу йил Кореяда бўлиб ўтган мусобақаларда галаба қозондим.

Миристон Тўхтасинов эса эшак эшиш бўйича спорт устаси. Ўзбекистон терма жамоаси таркибиде 20 та давлатда ўтказилган мусобақаларда иштирок этган.

Тадбир якунида иштирокчиларга ташкилотчилар соҳибқирон Амир Темури ҳақидаги китоблар, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширишди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

ЧОРАК АСР ҲИКМАТИ

Чорак аср давомида ўзини шу юрт фарзанди, деб фахр билан айта оладиган ҳар бир инсон ортига бир назар ташласа, ўтган йиллар мобайнида барча соҳаларда асрларга татиғулик довлар босиб ўтилганини теран ҳис қилади.

Таърифиға қалам ожиз, боғлари ҳамиша бўстон, қадду бастаи пурвиқор тоғларданда юксак жаннатмонанд диёр, озод ва обод юрт бу! Инсон қадри улугланган, фарзандлари мудом эътиборда, кексалари эъзоз толган бундай юртда туғилмоқ бахт, яшамоқ шараф.

Бир уйнинг дарвозаси ёнида муҳаббат, тинчлик ва давлат ким биринчи бўлиб уйга кириши ҳақида талашиб-тортишаётган экан. Шу тобда эшик очилиб, бир аёл чиқиб келибди. Аёл уларга қарата: "Ким биринчи киришини мен ўзим айтаман", дебди. Улар жим қолишибди. "Биринчи тинчлик, кейин муҳаббат, охири эса давлат кирсин", дебди аёл. "Сабаби, тинчлик бўлган жойда муҳаббат куртак ёзади. Тинчлик ва муҳаббат ҳукм сурган жойга эса давлат ўз-ўзидан келаверилади". Бу ривоят айнан бизнинг халқимиз табиатига мос келади.

Биз мустақил тараққиёт йўлига кирганимиздан буюн эркини қўлга олган, ҳаётини янгича изга солишга отланган халқимиз нималарга қодирлигини кўрсатди. Бугун наинки катта-катта шаҳарлар, балки чекка қишлоқларда ҳам оламшумул ўзгаришларга, буюк бунёдкорлик ишларига дуч келамиз. Бугунги глобаллашув даврида, дунёнинг турли бурчакларида сиёсий низо ва қарама-қаршиликлар тобора авж олиб бораётган бир паллада, ёш авлоди Ватанга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш беқиёс аҳамиятга эгадир. Токи, ҳар

бир инсон, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?" деган оташин хитобга мана шу ҳаётдан, кўз ўнгимизда кечаётган юксалиш жараёнларидан муносиб жавоб топа билсин, тинчликнинг, осуда ҳаётнинг қадрига етсин, шукроналик билан яшасин.

Тинчликни сақлаш эса ўз-ўзидан бўлмайдиган. Бу ҳар биримиздан жуда катта дахлдорлик, огоҳлик ва шахсий масъулиятни талаб этади. Зотан, ҳар ким ўз уйи, оиласи, маҳалласида осойишталик барқарорлигига ҳисса қўшса, мамлакат тинчлигига, тараққиётга ҳисса қўшган бўлади.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
Маънавият тарғибот
маркази вилоят
бўлими бошлиғи.

Бу йил набирам қишлоғимиздаги мактабга чиқди. Сентябрь арафасида ҳеч кимга билдирмай, мактабни кўздан кечиришга бордим. Бордим-у, кўзларимга ишонмай қолдим. Мен билган мактабдан фақатгина унинг рақами-ю, атрофидаги боғ қолибди. Тўғри, бир пайтлар биз эккан ниҳоллар бугун серхосил, азим дарахтларга айланибди. Мактаб биноси эса ўзим хизмат сафарларида юрганымда фаолият билан танишган вилоятларнинг энг олди, энг замонавий мактаб биноларидай кўп қаватли. Синф хоналари ўқувчиларнинг ҳар томонлама билим олишлари учун зарур бўлган техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ўқувчи партасида тортиб доскага қўнгилни ёриштирадиган даражада бежирим. Ўзим сезмаган ҳолда кўзларимга ёш тўлди. Ҳаёл мени олисларга етаклаб етди. Биз синфда парталар етишмаганидан икита эмас учтадан бўлиб ўтирдик. Бу эса бемалол ёзишга ҳалақат берар, асабиллашганимиздан билган сўзларимизни ҳам хато ёзиб қўядик.

– Ҳечқиси йўқ, ҳадемай янги мактаб қураимиз. Ўшанда бемалол, яйраб ўқийсизлар, – дерди синф раҳбаримиз бизни овутиб.

Янги бино умидида юриб, мактабни ҳам битириб қўйдик. Бино қурилишидан эса дарахт йўқ эди. Университетини тугатгач, таҳририятга ишга кирдим. Ўша йиллар Самарқанд вилоятининг олис Қўшработ туманидаги қишлоқ мактабидан шикоят хати келди. Унда ўқувчилар журналга йиллик обуна бўлишгани, лекин у кўпдан буюн

келмаётгани ҳақида ёзишганди. Муҳаррир топшириғи билан сафарга отландим. Туман халқ таълими бўлимидагилар, мактаб тоғ қишлоғида жойлашгани, қалин қор ёгани боис у ерга етиб бориш амримаҳол эканлигини айтишди. Бироқ,

□ Дилдаги гаплар

КЕЛАЖАК ОСТОНАСИ

мен сўзимда туриб олгач, ноилоҳ, эскироқ "виллис" машинасини топиб келишди. Йўриқчи билан бирга минг азобда кечга яқин мактабга етиб бордик. Мактаб деганимиз икки хонали, ўртасига печка қурилган оддий уй экан. Хонада тутун хиди анқирди. "Мактабни ўтанда иситамиз. Кўмир ёниб тугаяпти шекилли хона совуб қолибди", деди мактаб директори ўринбосари хижолат бўлиб.

Бу ерда ўша мактаб эгалари – 5-, 6-синф болалари ўқир экан. Бу қишлоқдан бир оз олисдаги мактабнинг филиали экан.

– Синф раҳбарига одам юбордик. Уйи қишлоқ адоғида. Бир оз кутасизлар энди. Пахтадан қайтганимизга бир хафта бўлди, – айбдорона бошини эгди у.

Мен, нахотки, шу харобани мактаб деб бўлса, ўқувчилар бу ерда қандай ўқишади, бунинг устига устозлари пахтада бўлса, деб ўйладим.

– Ўқитувчиларимиз ва юқори синф ўқувчилари Иштихон туманида пахта йиғим-теримига қарашишади. Бизда

асосий ўқиш декабрдан бошланади. Район марказига бориб, газета-журналларни олиб келишга ҳам вақт бўлмаяпти, – суҳбатни давом эттирди ўринбосар.

Шу чоғ суҳбатимизни бўлиб хонага "айбдор" кириб келди.

Соч-соқоли олинмаган, узун, уникангана чопон кийиб олган бу киши ботаника ўқитувчиси, 6-синф раҳбари экан. Ёлкасини қисиб, гуноҳқорона оҳангда: "Эртага ўлим тракторда марказга тушадиган бўлди. Ўшанда газета-журналларни ҳам олиб қайтади. Тарқатамиз. Болалар бир оз шошиб сизни безовта қилибди", деди.

Мен мана шу шароитда, мана шу абгор аҳволда ҳам ишлаётган, болаларга газета-журнал мактабда ўқийдиган вақт келармикин, деб орзиқиб қўйдим. Ниҳоят, шундай кун келди. Лекин бунгача яна бир неча авлод асосий вақтини бўр ўрнига кўрақ, қалам ўрнига кетмон ушлаб, мактабда эмас далада ўтказди. Ота-оналар ҳам фарзандлари келажagini мана шу далада қўриб, ўқинарди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари сўнггида, бола парвариши билан уйда ўтирганимда маҳалламиздаги мактаб директори, синфдош дўстим қаҳириб қолди.



қишлоғимиз, юртимизнинг эртасини таъминлайди, – деди у.

Йўқ дея олмадим. Аммо... мактаб ўша ўзим ўқиган пайтдагидай, балки ундан ҳам ночорроқ аҳволда эди. Эшик, ромлар кўм-кўк рангга қайта-қайта бўялаверганидан дилни хира қилувчи абгор тусда. Ўқитувчи ўтиришга стул у ёқда турсин ёзишга бўрни ҳам ўз ҳисобидан сотиб олиши керак экан. Дарсликлар ҳам, китоб-дафтарлар ҳам танқис.

Мактабда деярли эркак ўқитувчи қолмаган эди. Турмуши тўкин бўлиши учун улар

ўзини савдога уришганди. Шундай бир шароитда қишлоғимизда ўзини тутиб олган, пул орттирган кишилар атаганларини савоб умидида масжидларга бера бошлади. "Дод", деб юборай дедим. Нахотки, одамларимиз шун-

қилиб юборди. Таълим тизимидаги ислохотлар, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури минглаб ўқитувчилар, мурабийлар кўнглида қотиб қолган орзуларни рўёбга чиқарди. Ўқитувчиларнинг кўксига шамол теги. Чунки, унга ўзгача меҳр ва ҳурмат билан қарайдиган бўдилар. Эркаклар ҳам мактабга қайтди. Ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланган ўқитувчи ҳар томонлама билимдон шоғирдлар тайёрлашга, уларга ўзлгимизни англатишга, топталган қадриятларимизни танитишга астойдил бел боғлади.

Мустақиллик шарофати билан ота-оналарнинг ҳам мактабга муносабати ўзгарди, энди одамлар боласи яхши билим олса, келажаги ёруғ бўлишига ишонади. Улар боқимандалик иллатидан ҳам қутулиб бунёдкорлик ишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интилишади.

Набирам энди етти ёш. Лекин, рус ва инглиз тилларини ҳам билиб олган. Буну у боғчасида ўрганган. Болалар боғчасидан шундай ақли бўлиб чиққан бола қучоғини кенг очиб турган, дунё стандартлари талабига жавоб берадиган, улкан шароитлари бор мактаб, меҳри ва билимини бағишлашга тайёр устозлар қўлида кундан-кунга бўйига-бўй қўшилиб, ақли, билими, тафаккури ҳам ўсишига ишонмай бўладими?! Мен мамлакатимиздаги 9 мингдан ортиқ ўқув максаанининг биттаси бўлган мактабим дарвозасини меҳр билан силадим: "Боламини, келажагимни сенга ишондим", дея пичиради лабларим.

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

ОБОДЛИК ИШТИЁҚИ

Қибрай тумани, Ўнқўрғон қишлоғи, "Янги Ўнқўрғон" маҳалласида Лутфулла ота Сайфиддинов оиласи истиқомат қилади. Бу хонадонга қадам қўйган захоти дунёнинг дарду таъшишларини бир зумга унутгандай бўлган. Ховлининг чиннидек озодалиги, турфа хил гулларнинг барқ уриб туришидан кўнгил ором топади.

Оилавий бизнес

Лутфулла ота бадий хунармандчиликка меҳр қўйганлардан. Кизкиш ва меҳнатсеварлиги билан бу соҳанинг сир синопотларини билиш учун изланди. Ёгочга ишлов бериб, ундан турли шаклдаги хайкалчалар ясашни йўлга қўйди. Меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. "Ташаббус – 2001" танловининг вилоят босқичида 2-ўрин соҳиби бўлди.

"Хунарманд – 2002" кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳам голибликни қўлга киритди. Бунда Лутфулла ота миллий маданиятимиз, урф-одатларимиз тарихи, бугуни ва келажигини ўзида акс эттирган қўл меҳнати намуналари билан иштирок этди.

– Оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари жуда катта, – дейди биз билан суҳбатда Лутфулла ота. – Аёлим биринчи маслакдошимдир. Бундан ташқари, бир каттанинг, бир кичикнинг

йўл-йўриғи билан ҳаракат қилиб, ниятларимизга етишдик. Мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар ўзимизни ўнглаб олишимизга туртки бўлди.

Сайфиддиновлар оиласида 5 фарзанд – 3 ўғил ва 2 қиз вояга етди. Улар турли касб эгалари бўлишларига қарамай, ота-онадан ҳалоллик ва ҳушмуомалаликни андоза қилдилар. Фарзандлар "катта эшик"ка йиғилганларида, айниқса, невараларнинг шўх кулгилари ҳовлини забт этганида пири бадавлат отахон ва онахоннинг шукроналикдан диллари яйрайди.

Оиладаги кенжа ўғил Зиёдилла отаси изидан борди. Кичик келин Севарахон ҳам бу оилга жуда тез мослашиб кетди. Чунки, унинг ота ҳовлиси ҳам ўзи келин бўлиб тушган оила муҳити билан бир хил эди.

Зиёдилла Сайфиддинов тадбиркорликнинг гулчилик йўналишини танлади. Гулларнинг

хонаки ҳамда ободонлаштирувчи навларини кўпайтириб, уларга астойдил меҳр қўйди. Ички бозорни арзон, чиройли ва фойдали гул турлари билан бойитди. Ташкилотлар ва маъмурий ҳудудларни ободонлаштиришга бел боғлади. Бундан ташқари, у оила аъзолари билан гулларнинг янги турларини яратиш мақсадида изланмоқда.

Кези келганда шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, биз ҳикоя қилаётган оила кўп йиллар мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиғи ривожига ҳам ҳисса қўшган. Пахта, бошоқли, полиз экинлари ҳосилдорлиғи, ҳуллас қишлоқ ҳўжалиғида самарадорликни ошириш мақсадида фойдали капалакларни кўпайтириш борасида яхши натижаларга эришди. Улар кўпайтириб берган капалаклардан экинларга зарарли хашаротлар таъсирини йўқотиш мақсадида самарали фойдаланилди.

Лутфулла ота ва Лазиза ая Сайфиддиновлар қариллиқни меҳнат билан енгадиган инсонлардан. Ниятлари – коллеж битирувчиларини қизқиштириш борлигини танлаб олиб, уларни ҳам ўзлари юрган йўлга бошлаш.

Моҳинур ЭВОДИЛЛАЕВА.

Партиялар ҳаётидан

Ўзбекистон ХДП Юқори Чирчиқ тумани кенгаши "Фаол аёллар" қаноти таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюш-

маси ҳудудий кенгаши билан ҳамкорликда "Ўзбекистон ХДП-нинг энг фаол аёли" кўрик-танловини ташкил этди.

ФАОЛЛИК – БОШ МЕЗОН

25 ёшдан 50 ёшгача бўлган фаол хотин-қизлар тадбирда "Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг энг самарали йўли", "Хотин-қизлар сиёсий фаоллиги – фуқаролик жамиятининг муҳим шарт-шарти", "Ижтимоий ёрдамга муҳтожликдан фаровон турмуш сари" каби аниқ йўналишларда белгилаб берилган лойиҳалар тақдироти, "Қонунларимиз ҳаётимиз асосидир" мавзуда нотиклик маҳорати ҳамда сиёсий билимдонлик каби шартлар бўйича беллашди.

Танлов якунларига кўра, Юқори Чирчиқ тумани марказий шифохонаси шифокори Гулноза Норматова голибликни қўлга

киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Раъно Жалолова ва Жибек Қуванишевларга насиб этди.

Барча иштирокчилар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Кучли ижтимоий ҳимоя – асосий мақсадимиз" акциясининг якуний босқичига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП марказий кенгаши, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий кўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамағамаси, "Ноги-ронлар" жамияти, Қизил Ярим ой, "Соғлом авлод

учун", "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари иштирок этган тадбирда мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган болалар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари амалга ошираётган ишлар ҳусусида сўз борди. Бу борада партиянинг Зағиота, Қибрай, Юқори Чирчиқ, Чирчиқ, Олмалик каби туман ва шаҳар кенгашлари фаолияти алоҳида таъкидланди.

Латифжон МАНСУРОВ.

МЕҲРИНГ ЯҒОНА

Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий кенгаши ташаббуси билан А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Иншоолар танлови" натижаларини эълон қилиш маросими ҳамда "Истиқлол шукухи" тўплами тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Эна Ватан маҳини куйловчи иншоолар танловида 1-ўрин Паркент агро-саноат ва сервис касбхуна коллежи ўқувчиси Нодира Маъмуровага насиб этди.

Танлов голибларига партиянинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Наргис ҲАСАНОВА.

"Вақтнинг тез ўтишини қаранг-а, – ўйлайди Қодир бобо ҳовлидаги темир қара-вотда ўтиргачча чой ҳўплаб. – Кечагина асад кирганид, бугун эса сунбула".


Ҳовлида велосипед миниб юрган, ҳар нарсаси кизикувчан наварасининг янграқ товуши ҳаёлини бузди: "Буважон, нимага жим ўтирибсиз, менга эртак айтиб беринг".

– Эртанги кечкурун айтиб бераман, ҳозир эса сенга йил фасллари ҳақида гапириб бераман, қани ёнимга келчи, – деди Қодир бобо салмоқлаб. – Сенга йилнинг тўрт фаслга бўлинишини айтгандим. Лекин эски тақвим бўйича ҳар ойнинг ўз номи бор. Мана, ҳозир сунбула ойи. 23 августдан кирган бу ой 21 сентябргача давом этади. Сунбула салқин, ёқимли ва мўътадил об-ҳавоси билан роҳат бағишлайди. Бу ойда бозорларда мева-чева, сабзавотлар мўл бўлади.

Мана, яқинда пахтакорлар термини бошлайди. Бу ойда териб олинган пахта юқори навли бўлади. Сунбула чикмай узум узши ва ма-

Тақвим

СУНБУЛАДА СУВ ТИНАР



йиз қуришни тугаллаш керак. Чунки, узум устига сув тушса майизнинг сифати пасаяди.

Яна бўталоғим, табиатда ҳам бир қанча ўзгаришлар кузатилади. Осмонда булутлар кўпаяди, тез-тез шамол эса бошлайди.

Ёзда устинг очик ухлардинг, энди тунда кўрпа ёпаянсан, бу кечкурунлари ҳаво анча салқинлашганидан дарак. Булоқлар, дарё-

нар...", деб бежиз айтилмаган.

Сунбула чиқиши билан теварак-атрофга сокинлик чўккандек бўлади. Қушлар ҳам аввалгидек чирқиллашмайди, айримлари иссиқ ўлкаларга учиб кетиш ҳаракатига тушади. Айниқса, кун қисқаргани аниқ сезилади, тезда қоронғу тушади. Кечалари осмон қоп-қора тусда бўлади, юлдузлар йирик, равшан кўрилади. Буни қани кечкурун бир кўраминиз, болажоним.

– Жуда кизик экан, буважон, – деди невараси шошилиб ўрнидан тураркан. – Энди буларни ўртоқларимга ҳам айтиб бераман.

У шундай дея кўчага югурди.

Бобо яна атрофга назар ташлади. Борлиқ сунбуланинг қандайдир сокин, маҳзун кўшигини куйлаётгандек эди...

Нозима АРСНОВА.

Қобилжон ҒОҒУРОВА
сурат-лавҳаси.

Нега шундай деймиз?

Қамишдан бел боғлаб

Қамиш эгилувчан бўлгани туфайли образли қилиб, белни сидқидилдан боғлашни шундай ифодалашди. Қамишдан бел боғлаб хизмат – ҳурмат қилган, ихлос қўйган одамларга қилинади. Халқимиз ёш авлодни элу юрт хизматида камарбаста бўлишга қақириб, тайёрлаб, тарбиялаб келади. Ушбу иборда хайрихоҳлик, миннатдорлик, меҳр оҳанги бор.

Қўл етмас

Бу ибора кўча маънога эга. Қўл ярим метр, ундан ортиқроқ бўлиши мумкин. Бўйингизни ҳам қўшганда икки метргача етар, ундан ортиғига етмайди. Ўғлингиз айтган қизни келин қилмоқчи бўлсангиз-у, у авлод аслзода, оқсуяк бўлса, орзу-ҳаваси баланд, қўл етмас-ку, дейсизда, одмироғидан топишга ҳаракат қиласиз. Баҳариб бўлмайдиган ишларга нисбатан шундай ибора ишлатилади.

Нодирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 08.10.2015 йилдаги 1-244/2015-сонли ижро варақасига асосан, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган, Чирчиқ ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 27 534 834 сўм бўлган, 2012 йилда и/ч., д/р. 01У8910А, "SPARK" р-ли ав-на такроран чиқарилмоқда. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларида ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 да тўхта-тилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "InfinitBank" банкдаги МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темури 1-тор кўчаси, 6-уй. Е-mail: info@auksion.uz. Тел.: (+99895) 193-74-96. Гувоҳнома № 005148.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда

Ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

2016 йил 10 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 14774-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай ШФЙ ҳудудида жойлашган, умумий 2,4489 Га ер майдонида жойлашган бино ва иншоотлар қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 4 983 687 834 сўм.

2016 йил 26 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти, Пискент тумани СИБ томонидан 2016 йил 26 майдаги 2625-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А. Достбёков ф/у 1-бўлимида жойлашган, умумий ер майдони 1315,59 кв.м., қурилиш ости

майdonи 303,27 кв.м., фойдаланиш майдони 355,71 кв.м.дан иборат бўлган 16-сонли дўкон ва тегиригм биноси такроран қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 39 600 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Юқоридаги қўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларида ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхта-тилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган та-

лабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигини тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички: 258.

Лицензия RR-0052.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 11 октябрь куни соат 11.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибда ўтказила-диган "Очиқ аукцион" савдосига ФИБ Чирчиқ туманларо судининг 06.04.2016 йилдаги 1-2147/16-сонли ижро варақасига асосан, Паркент тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси – 77 000 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Сой" МФЙ, Х. Аҳмад кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 1500 кв.метр., яшаш майдони 87,5 кв.метр., 6 та хонадан иборат хонадон қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулк билан тегишли СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхта-тилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тўзла-диган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси "АТБ" "InfinitBank" даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темури 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz. Лицензия RR 0173.

"Respublika mulk markazi" AJ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти ҳўжалиқ судининг 25.07.2016 йилдаги 11-1635/8482-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Ангрен пак" АЖга тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Гўлбўк кўрғонига сақланаётган, "ISUZU SAZ NQR PL" русумли, давлат рақами 10/675 ХАА бўлган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, "ISUZU FVR 3R" русумли, давлат рақами 10/677 ХАА бўлган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 212 450 000 сўм.

Савдога Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти ҳўжалиқ судининг 25.06.2014 йилдаги 2-432/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фазалкент шаҳри "Мариам-текстил" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, "Ваз 2102" русумли, давлат рақами 10L381 JA бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 3 592 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 10 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан

14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 7 октябрь куни соат 18.00. Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тўзилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika mulk markazi" AJ "Toshkent mintaqaviy filiali" нинг АИКБ "Ипак йўли банк"и Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шўх-кўчаси, 19-уй. Телефон: (0-371) 233-49-31, 233-28-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001580.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган ва Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаларининг нархи арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 16.02.2015 йилдаги 2-20/854-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 10 101 520 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч., ранги сариқ (желтый), д/р. 10А030JA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтотбус, бошланғич баҳоси – 10 101 535 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч., ранги сариқ (желтый), д/р. 10P301EA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтотбус, бошланғич баҳоси – 10 307 689 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., ранги оқ (белый), д/р. 10W213AA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтотбус, бошланғич баҳоси – 10 101 535 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., ранги оқ (белый), д/р. 10A202GA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132-414" р-ли микроавтотбус; ЖИБ Тошкент вилояти судининг 09.03.2015 йилдаги 2-23/863-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 4 846 320 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., д/р. 10Н815JA, "ГАЗ-2410" р-ли ав-на ва бошланғич баҳоси – 4 835 268 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., д/р. 10F979JA, "ГБА-СПГ-ГАЗ-2410" р-ли ав-на; ЖИБ Яккасарой тумани судининг 10.10.2014 йилдаги 1-478/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 6 515 713 сўм бўлган, 1986 йилда и/ч., д/р. 10N091EA, "BA3-2106" р-ли ав-на; ЖИБ Паркент тумани судининг 2014 йилдаги 14442, 14443, 14445, 14446, 15713-сонли ҳамда Олмалик шаҳар судининг 2014 йилдаги 11226-сонли ижро варақаларига асосан, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган ҳамда Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 2 120 382 сўм бўлган, 1972 йилда и/ч., д/р. 01S938KA, "BA3-2102" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 2 921 203 сўм бўлган, 1996 йилда и/ч., д/р. 10M064BA, "ГАЗ-31029" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 10 639 988 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч., д/р. 10H470AA, "Форд-транзит" р-ли микроавтотбус, бошланғич баҳоси – 4 105 529 сўм бўлган 1994 йилда и/ч., д/р. 10T344AA, "Доган" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 3 170 137 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., д/р. 10Z923EA, "BA3-2105" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 695 457 сўм бўлган, 1971 йилда и/ч., д/р. 10E529KA, "BA3-2101" р-ли ав-на; ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 08.10.2015 йилдаги 1-244/2015-сонли ижро варақасига асосан, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган Чирчиқ ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 27 534 834 сўм бўлган, 2012 йилда и/ч., д/р. 01У8910А, "SPARK" р-ли ав-на ҳамда бошланғич баҳоси – 16 717 815 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., д/р. 01C965

□ Моҳият

"ҲЕЧ НИМА МАЪЛУМ ЭМАС..."

ёхуд даҳолар ўзи ҳақида

ИБН СИНО

Ибн Сино рубоийлари жуда чуқур, мантикий асосга эга. Улар, айниқса, инсонларда фалсафий мушоҳадани шакллантиришда катта ўрин тутди. Аллома бу мўъжиз шеърлар орқали умрнинг моҳияти, қисмат битиклари ҳақидаги ўйлари, ҳайрат-у икромларини тўкиб солади. Шу ўринда, унинг ҳақиқий орасида машҳур бўлган рубоийлари мисолида фикрларимизни баён этамиз.

Кўфримни аён айламак осон бўлмас,
Оламда имоним каби имон бўлмас.
Даҳр ичра ягонамен, манам кофир эрсам,
Бас, ушбу жаҳонда бир мусулмон бўлмас.

Ибн Сино қомусий олим бўлган. Жуда қўп тилларни билган. Шеърли асарларини ҳам форсий ва арабий забонларда битган. Лекин шундай илми уммон алломанинг мана бу икромлари, дарҳақиқат, кишини ажиб бир ҳиссийга чулғаб, бир тутам билимингдан ҳаволаниб кетмасликка, камтар бўлишга чақиради:

Сўз қолмади – парда ичра бир маълум эмас,
Ким қолди чу асрор – дағи маҳмуд эмас.

Чун маърифатингда мен андоқ фикр этдим,
Маълум бўлдики, ҳеч нима маълум эмас...

Ҳеч нима маълум эмас... Бу – инсониятнинг ҳамма замонлардаги энг буюк даҳоларидан бири айтган икром. Ушбу рубоийда мен иккита ҳикмат кўраман:

биринчидан, юқорида қайд этилганидек, илми кишиларни манман бўлиб кетмасликка даъват, чақир.

Иккинчидан, инсон илоҳий қудрат ила яратилган табиат ва жамиятнинг барча сир-асрорларидан бохабар бўла олмаслигига ишора. Ҳар икки ҳолатда ҳам аллома маълумлик ахтариб – илм излаб, дунё, борлиқ ҳақида фикр юритаётганда буюк Яратувчини инкор этмаслик жоизлигини уқтиради.



БЕРУНИЙ

Беруний ўзининг "Ҳиндистон" номли асарида шундай ёзади: "Менинг ҳамма истакларим, бутун вужудим илм тарқатишга қаратилгандир ва мен бунини ўзим учун энг улуғ бахт деб биламан".

Дарҳақиқат, бу беназир зот бутун умрини илму урфон тарқатишга бахшида этган, ҳар бир гапида муайян илми, билимни тарғиб қилган. Дарвоқе, алломанинг юқоридаги фикрига мазмунан яқин бир шеъри ҳам бор:

Пешволардан олға ўтдим шахд ила,
Мен ғаввос-у илм бўлди уммоним,
Ҳинддан сўра Машриқ аро қадримни,
Мағриб мени ўқир, йўқдир армоним.

Ушбу мисраларни ўқиш асосида инсоният тарихидаги буюк сиймоларнинг ўзлари ҳақидаги фикрлари беихтиёр кўнгилдан ўтади: "Агар сен кўнгилга етдинг – Румийга етдинг, агар сен Румийга етдинг – Ҳудого етдинг" (Румий), "Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга" (Пушкин) ва ҳоказо... Айтмоқчимизки, даҳо ўз қадрини, асарларининг баҳосини билади...



АЛИШЕР НАВОЙИ

Навоий Ҳиротни тарк этиб, Самарқандга ҳижрат қилган кезларида устози Ҳасан Ардашверга ёзган мактубида шундай байтлар бор:

Мен ул менки то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур.

Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире.
Худо етқурур онча суръат манга
Ки, бўлмас битиришга фурсат манга.

Этибор қилинг, юқоридаги сатрлар ёзилган вақтда Навоий бобомиз эндигина

23 ёшга кирган эдилар. Ўйлаб кўрилса, шу ёшдаги йигитнинг бу қадар қатъий ишонч ила ўз-ўзига юксак баҳо бериши...

Очиғи бундай журъатга фақатгина даҳолар қодир!

Беход ҚОБУЛОВ.



□ Кўргазма

СУРАТЛАРДА
ЮРТ МАДҲИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси фотосўъбаси аъзоларининг ҳисобот кўргазмаси ташкил этилди.

Фотосуратларда юртимизнинг гўзал табиати манзаралари, маданий ҳаётимиздан лавҳалар, бугун болалиқ, улуг сиймолар, шахар ва қишлоқларимизнинг замонавий қиёфаси, Тошкентнинг фахрига айланган маҳобатли бино ва кўчалари, бунёд этилаётган янги иншоотлар акс этган.

Фоторассомлар Рустам Шарипов, Рустам Шагаев, Виктор Ан, Файрат Шукров ва яқинда "Дўстлик" ордени билан тақдирланган Владимир Жирнов фотосуратларида юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, миллий ва умумхалқ қадриятлар уйғунлиги, мустақилликнинг халқимизга берган имкониятлари, юртдошларимиз сиймоларини кўради.

Намойишга қўйилган фотосуратлар орасида Тошкент вилоятининг бетакрор тоғ водийлари, дарё ва адирлари акс этган қирққа яқин асарлар бор.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Дам олиш кунини одатимизга кўра, жавондан қўлимга илинган бир китобни олиб, дуч келган саҳифани оқдим. Тасодифи қарангки, ўзим хуш кўрадиган ривоятлардан бирига қўлим тушди. Савват ҳақидаги ушбу ривоят ҳикмати ҳазрат Навоий шундай изоҳлаган эканлар: "Гўзал либос кийишни истасанг – бир яланғочнинг эгинини бутка. Либос ҳар қанча зебо бўлса ҳам кийинганидан кийдирганинг яхшидир. Айниқса, етиму фақирларни қўллаб, кўнглиларини шод этиш энг инсоний фазилатлардандир".

Ўқидим-у, галати бўлиб кетдим. Юқоридаги фикрлар менинг ноҳорликда кечган болалигим ҳақида эди, гўё. Отадан икки ёшдан кийинганингдан кийдирганинг яхшидир. Айниқса, етиму фақирларни қўллаб, кўнглиларини шод этиш энг инсоний фазилатлардандир".

Ўқидим-у, галати бўлиб кетдим. Юқоридаги фикрлар менинг ноҳорликда кечган болалигим ҳақида эди, гўё. Отадан икки ёшдан кийинганингдан кийдирганинг яхшидир. Айниқса, етиму фақирларни қўллаб, кўнглиларини шод этиш энг инсоний фазилатлардандир".

Ўқидим-у, галати бўлиб кетдим. Юқоридаги фикрлар менинг ноҳорликда кечган болалигим ҳақида эди, гўё. Отадан икки ёшдан кийинганингдан кийдирганинг яхшидир. Айниқса, етиму фақирларни қўллаб, кўнглиларини шод этиш энг инсоний фазилатлардандир".

Ўқидим-у, галати бўлиб кетдим. Юқоридаги фикрлар менинг ноҳорликда кечган болалигим ҳақида эди, гўё. Отадан икки ёшдан кийинганингдан кийдирганинг яхшидир. Айниқса, етиму фақирларни қўллаб, кўнглиларини шод этиш энг инсоний фазилатлардандир".

кўзларида ёш гилқиллади. Кейин билсам, эгинимдаги бир сидра ямоқ тушган қўйлақ-иштон уч тешик кирза этикдан бошқа уст-бошим йўқлигидан кўнгиллари бузилган экан.

Хуллас, опокдадагига эргашдим. Йўлакай, ўқишми, баҳоларимни суриштирдилар ва: "Мак-

гандек, ёзнинг тупроқчанги демай, қишнинг лой-изгирини демай, болалару катталару телевизор кўргани келаверишарди. Келинлари уларга рўйхуш бермаса, "Ундай қилманг, болам, ахир қишлоқда бошқа телевизор йўқ-ку, кўргилари келадидек. Кўяверинг, эрта-

дан келишиб олишганим, магазиндаги уч-тўрт чол пальтони мактаб, кўнглимни кўтаришди. Ана энди майдон йўл билан тўғри уйга бор, – дедилар опокдадам. Дўкондан чиқиб, гўё оёғим ерга тегиб-тегмай, учиб бораёяман. Кўзим йўлда эмас, пальтода. Шу

Чоллар бир-бирларига қараб, маъноли кулиб қўйишди.

– Энди бу пул сеники, ҳалолнинг бўлсин, боравер, – дедилар опокдадам.

Ҳеч нарсага тушунмай, уйга келдим-да, пулни онамга бериб, воқеани айтдим. Онам бир оз хаёл суриб турдилар:

– Опокдадан дўкончига бир сўм бериб, сенга лойиқ пальтони топгач, ички чўнтагига солиб қўйишни тайинлаганлар, – дедилар.

– Нега? – дедим яна ҳеч нарса тушунмай.

– Ҳа, энди, етимча бир суянганда, биратўла боши қўққа етсин, деганларда...

Ҳа, у пайтлар "камбагалнинг бир тўйгани – бой бўлгани" эди. У кунлар энди хотирага айланган. Бугун опокдадам ўшанда айтган ҳамма рўшноликларга эришдик. Хонадонимиз обод, рўзгоримиз тўкин-сочин. Бошқа орзу-хаваслар ҳам ушалапти. Олий маълумотли мутахассис даражаси давлат мукофотларига ҳам сазовор бўлди. Невара ва эвараларимиз бизданда фаровон ва бахтли яшашларига қолган ишонч билан ҳар кунимиз шоду хуррамликда ўтапти.

Абдусмад Йўлдошев.

Одамийлик шеваси

КИЙГАНДАН
КИЙДИРГАН АФЗАЛ

табда яхши ўқиб, аёло баҳога битирсанг, олий ўқув юртига бемалол кириб кетасан, – дедилар.

– Олий маълумотли бўлсанг, яхши жойларда ишлаб, иззат-ҳурмат толасан".

Уша вақтда ўзлари республика бош миноси эдилар. У пайтлар кўкларда тез-тез тошқинлар бўлиб турарди. Бундай кезларда уйда кам бўлардилар, "сув балоси"нинг олдини олиш учун кечаю-кундуз тиним билишмасди. Шуни ҳисобга олиб, давлат ўша вақтда эндигина русум бўла бошлаган телевизор билан мукофотланган эди. Қишлоқчилик де-

га бу нарсалар ҳаммамиздан қилиб кетди", дедилар. Бу билан ҳам қаноатланмай, хонтахтага нончой, қанд-курс қўйдирдилар.

Опокдадам мени қишлоқимиздаги ягона аралаш моллар дўконига бошлаб кирдилар-да, сотувчига юзландилар:

– Тилибжон, шу болакайга битта қишлоқ пальто танлаб бер, ҳам лойиқ, ҳам чиройли бўлсин, – дедилар.

Дўкончи мени кийимлар бўлимига олиб ўтиб, авриси пахмок, қалин сунъий ёқали қишбоп пальто танлаб берди. Опокдадам билан олдин-

тобда мендан бахтли, мендан омадли бола йўқ гўё дунёда. Аввал пальтонинг ён, сўнг ички чўнтақларига қўл тикиб кўрдим. Шунда қўлимга бир қоғоз илдинди. Олиб қарасам, битта бир сўмлик пул. Таққа тўхтадим: "Бу пул кимники? У менинг пальтоним чўнтагига қандай тушиб қолди? Энди уни нима қиламан?" Мен сода болада бу саволларга жавоб йўқ эди. Шунда дўконга қараб югурдим. Кира солиб:

– Пальтонинг чўнтагига кимнингдир бир сўм пули қилиб кетган экан, уни кимга бераман, – дедим ҳаллослаб.

МУЗЛАТКИЧА ФИЖ-ФИЖ АҚЛ

LG компанияси яна бир ихтироқи оммага тақдим этди. Олд томони шаффоф сенсор билан қопланган "ақлли" музлаткич ўйлаб топилди.

Мазкур жиҳоз замонавий компьютер имкониятларига эга эканлиги билан фойдаланувчига қулайлик туғдиради. Хусусан, у ўзида сақланаётган махсулотлар рўйхатини туза олади, муайян вақт давомида қайта ишга тушиш ёки ишламаслик ҳолатига ўтади (таймер), турли фойдали маълумотларни сақлайди. Шунингдек, дисплей орқали, музлаткиччи очмасдан туриб, махсулотнинг сақлаш меъёрларини ўзгартариш мумкин.



ҚАЧОН ЕР СИЛКИНИШИ МАЪЛУМ БЎЛАДИ

Россия Фанлар академиясининг Иқлим ва экология тизимларини мониторинг қилиш институти мутахассислари геофизик жараёнларни рўйхатга олувчи қурилма яратди. Унинг ёрдамида зилзилаларни олдиндан айтиш ва ҳудудларнинг сейсмик жиҳатдан барқарорлигини юқори аниқликда кузатиш бориш мумкин бўлади.

Қўп каналли МГР-01 геофизик регистратори оғирлиги 3 килограммга тенг кичик "кути" қўринишида бўлиб, у Ер тарқатадиган электромагнит майдонларни ўлчайди. Нажидада, тектоник блоклар ҳаракатида юзага келадиган фаоллик ҳақидаги ахборотлар жамланади. Бундай маълумотлар тахлил қилинган, табиий офат содир бўладиган ҳудудларни анча олдиндан айтиб бериш имкони туғилади.



Ноҳира РАҲИМОВА.
Қобилжон ҚОҒУРОВ
олган сурат.



Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзил: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Назоратчи мусоҳиҳ
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ